
“Солиқчи-тадбиркорга кўмакчи” тамойили амалда.

Солиқ имтиёзларидан қандай фойдаланамиз.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарорига асосан мавжуд солиқ имтиёзлари бўйича маълумотлар базасини яратиш ва ҳар бир солиқ имтиёзи учун алоҳида солиқ имтиёзи уникал кодини (ID-рақамини) бериш тартибини жорий этиш ҳамда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш юзасидан солиқ тўловчиларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби жорий этилди.

Шунга асосан, “Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича муурожаат” интерактив хизмати жорий этилди.

Солиқ тўловчилар мавжуд солиқ имтиёзларидан фойдаланишлари учун ушбу интерактив хизмат орқали солиқ органларига муурожаат юборади.

Дастлаб ҳужжат тури, солиқ тури, ҳужжат рақами танланади ва имтиёз бошланиш вақти, тугаш вақти, имтиёз мазмуни автомат шаклланади.

“Файлни танланг” тугмаси босилади ҳамда мазкур имтиёзни қўллаш бўйича асос бириктирилган ҳолда юборилади.

Ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида муурожаат юборилади. Солиқ тўловчилар томонидан юборилган муурожаатлар “E-imityoz” тизимига “Муурожаатлар” бўлимига келиб тушади.

Келиб тушган муурожаатларни масъул ходим томонидан ўрганиб чиқилади.

Бунда дастлаб имтиёз ID-рақами текширилади яъни имтиёз МХИКга боғланиши керакми ёки ташкилотга бириктирилиши ўрганилади.

Корхона томонидан бириктирилган асослар файлни юклаш орқали кўриб чиқилади.

Товар (хизмат)га бўлса ушбу имтиёз МХИКга бириктирилади ва бириктирилган МХИКлар орасида муурожаатда келтирилган МХИКлар текширилади. Ушбу МХИКлар имтиёзга бириктирилган бўлса шу бўйича тушунтирилган ҳолда рад этилади. Бириктирилмаган бўлса МХИК коди ўрганиб чиқилиб, тегишли имтиёзга бириктирилади.

МХИКларга ёки ташкилотларга бириктирилган маълумотларни “E-imityoz” тизмининг имтиёз қўшиш бўлиmidан текшириб кўрилади.

“E-imityoz” тизмининг “Муурожаатлар” бўлимига келиб тушган муурожаатлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- товар (хизмат)лар бўйича МХИКларга бириктириш;
- мол-мулк ва ер солиғи бўйича объектга бириктириш;
- қолган ҳолларда ташкилотга бириктириш.

Саралаш натижасида товар (хизмат)лар бўйича имтиёзларга бириктирилмаган МХИКлар имтиёзларнинг ID-рақамлари орқали қидириб топилиб бириктирилади.

МХИК коди ёзилиб сақлаш тугмаси босилади ҳамда киритилган МХИК имтиёзга бириктирилади.

Мол-мулк ва ер солиғи бўйича келиб тушган муурожаатларнинг асоси ўрганиб чиқилиб, асосли деб топилса қабул қилинади. Агар асоссиз бўлса сабаби ёзилган ҳолда рад этилади.

Шу каби ташкилотларни имтиёзларга бириктириш бўйича ҳам ташкилот СТИР рақами “E-imityoz” тизмининг “Имтиёзга эга бўлган ташкилотлар” бўлиmidан қидирилади.

Агар корхона СТИР рақами имтиёзга киритилмаган бўлса, бириктирилган файлдан асослари ўрганиб чиқилади ва асосли бўлган ҳолларда ташкилот СТИР рақами мазкур имтиёзга бириктирилади. Қўшиш тугмаси босилади.

Шу орқали имтиёзга ташкилотлар бириктирилади.

Агар интерактив хизмат орқали келиб тушган мурожаатлар бўйича ташкилотлар имтиёзга бириктирилмаган бўлса, ушбу мурожаат қабул қилинганда мазкур имтиёзга ташкилот автомат бириктирилади.

Интерактив хизмат орқали келиб тушган мурожаатлар МХИКларга ёки ташкилотга бириктирилган бўлса, мазкур имтиёзга бириктирилганлиги кўрсатилган ҳолда электрон шаклда рад этилади.

Рад этилган мурожаатлар бўйича рад этиш сабаблари солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан кўриш имконияти яратилган. Буни кўриш учун “Рад этилди” тугмаси устига босилади.

2022-06-29 21:59:41